

## **7-Амалий машғулот.**

**Мавзу: Метеорологик маълумотлар асосида шамол тезлиги ва йўналишини таҳлил этиш.**

Агар босим майдонида горизонтал фарқлар (босим градиенти) мавжуд бўлса, у ҳолда ҳаво горизонтал йўналишда кўчади. Ҳавонинг бу горизонтал ҳаракати шамол деб аталади. Ер сирти яқинидаги шамолнинг ўртacha тезлиги 5-10 м/с га яқин. Баъзида кучли атмосфера уормаларида шамол тезлиги 50 м/с гача этиши мумкин. Атмосферанинг юқори қатламларидаги тез ҳаво оқимларида шамолнинг тезлиги кўпинча 100 м/с гача етади.

Ҳавонинг горизонтал ҳаракатига вертикал ташкил этувчиликлар ҳам қўшилади. Одатда, улар горизонтал тезликларга нисбатан кичик, таҳминан бир неча см/с тартибида бўлади. Фақат конвекция шароитида, тропик циклонларда ва тез ҳаракатланувчи совук фронтлар зонасида шамолнинг вертикал ташкил этувчиси бир неча м/с гача этиши мумкин.

Бу ишни бажаришда берилган маълумотларга асосланиб, румбларда (дунё томонлари) шамолнинг йўналишини аниқлаймиз.

Буни бажаришда қўйдаги жадвалдан фойдаланамиз:

### **Кузатув муддатида шамол йўналиши (қайси томондан эсиши)**

Анеморумбометрда ўлчангандан		Флюгер бўйича кузатилган		Анеморумбометрда ўлчангандан		Флюгер бўйича кузатилган	
Йўналиш (градус)	Код раками <b>dd</b>	Йўналиш (румб)	Код раками <b>dd</b>	Йўналиш (градус)	Код раками <b>dd</b>	Йўналиш (румб)	Код раками <b>dd</b>
05 – 14	01			195–204	20	ЖЖF	20

15 – 24	02	ШШШ а	02	205–214	21		
25 – 34	03			215–224	22		
35 – 44	04			225–234	23	ЖF	23
45 – 54	05	ШШа	05	235–244	24		
55 – 64	06			245–254	25	FЖF	25
65 – 74	07	ШаШ Ша	07	255–264	26		
75 – 84	08			265–274	27	F	27
85 – 94	09	Ша	09	275–284	28		
95–104	10			285–294	29	FШF	29
105–114	11	ШаЖ Ша	11	295–304	30		
115–124	12			305–314	31		
125–134	13			315–324	32	ШF	32
135–144	14	ЖШа	14	325–334	33		
145–154	15			335–344	34	ШШF	34
155–164	16	ЖЖШ а	16	345–354	35		
165–174	17			355–04	36	Ш	36
175–184	18	Ж	18	Ўзгарув.	99	–	99
185–194	19			Штиль	00	–	00

Э слатма .

ШиШШа – шимол-шимолий-шарқ, ШиШа – шимолий-шарқ, ШашШа – шарқ-шимолий-шарқ, Ша – шарқ, ШажШа – шарқ-жанубий-шарқ, ЖШа – жанубий-шарқ, ЖЖШа – жануб-жанубий-шарқ, Ж – жануб, ЖЖF – жануб-жанубий-ғарб, ЖF – жанубий-ғарб, FЖF – ғарб-жанубий-ғарб, F – ғарб,

ҒШШа – ғарб-шымолий-ғарб, ШҒ – шимолий-ғарб, ШШҒ – шимол-шымолий-ғарб, Ш – шимол.

Мавзуга оид саволлар:

1. Шамол деб нимага айтилади ?
2. Шамолнинг йўналиши қандай аниқланади ?
3. Шамолнинг ўлчов бирлиги нима ?
4. Ер яқинида шамолнинг тезлтги қанча ?